

**ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ - ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА****Ахматкулов Умиджон,***ўқитувчи,***Хамдамова Манзура***тutor,**Фаргона давлат университети*

**Аннотация:** *Аجدодларимиз азалдан ёш авлодни маънавий баркамол инсон сифатида улгайиши Ватанини севиши ҳамда ардоқлаши учун таълим, тарбия бериб келган. Маънавий баркамол инсон - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиши, Ватанни қадрлаш, аجدодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Бу омиллар халқимизга хос бўлган ватанпарварликнинг энг муҳим белгиларидир.*

**Калит сўзлар:** *ватанпарварлик, фуқаролик жамияти, адолат, модернизация, маънавият, тарбия.*

Ўзбекистон демографик хусусиятига кўра ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳар қандай мамлакат истикболи учун ўта долзарб ҳисобланади. Ёшларнинг маънавий камолоти жуда кенг тушунча бўлиб, бу тушунча заминиди соғлом дунёқарашга эга бўлган соғлом авлодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, тарбиянинг бош мақсади жамиятда онгли ҳаёт кечириш, юксак маданий-интеллектуал ҳамда фаровон муҳитни таркиб топтиришга мўлжаллангандир.

Таъкидлаш жоиз миллий мустақиллик - халқимизда, айниқса ўсиб келаётган ёш баркамол авлодимизда ватанпарварлик тўйғуларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда ватанпарварлик ўзининг қандай қирралари билан намоён бўлаётир? Ватанпарварликнинг моҳияти нималарда, қандай амалий ишлар фаолиятида намоён бўлади? Умуман ватанпарварлик нима, уни қандай тушунмоқ керак? Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги ота - боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Саодатли, бахтли, келажаги буюк Ўзбекистонга ҳозир ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни ардоқлаш ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши, қирраси.

Ёшлар сиёсати жамиятдаги туб ўзгаришлар ва қайта қуриш жараёнлари билан боғлиқ равишда ривожланди. Мустақилликнинг илк йилларида ёшларга оид давлат сиёсати ижтимоий муҳтож қатламларни химоялаш, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётда бозор муносабатларини жорий қилиш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва

имкониятларини кенгайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилди, кейинги босқичда ёшларга жамиятни модернизация қилишда мамлакат кадрлар захирасини шакллантирувчи куч сифатида қаралди.

Бугунги кунда мустақил давлатимизнинг тараққиёти келажагимиз эгалари бўлган ёшларга, уларнинг дунёқарашига, оилавий муҳитнинг соғломлигига, мустаҳкамлигига узвий боғлиқдир. Маълумки, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш дунёдаги мавжуд барча миллат ва халқларнинг азалий орзусидир.

Жамият ривожлангани сари катта аҳамият касб этадиган маънавий кадриятлардан бири - ватанпарварлик туйғусидир. **Ватанпарварлик** - Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик бу - юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, ўз куч имкониятимизга, ота-оналаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарига суяниш, кадриятларни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини ҳар томонлама тушуниб етиш демакдир.

Ўзбекистон демографик хусусиятига кўра ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳар қандай мамлакат истиқболи учун ўта долзарб ҳисобланади. Ёшларнинг маънавий камолоти жуда кенг тушунча бўлиб, бу тушунча заминида соғлом дунёқарашга эга бўлган соғлом авлодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, тарбиянинг бош мақсади жамиятда онгли ҳаёт кечириш, юксак маданий-интеллектуал ҳамда фаровон муҳитни таркиб топтиришга мўлжаллангандир. “Шахснинг камолотга эришиш жараёни мураккаб бўлиб, у кишининг ирсий бирликларидаги дастури(такдири азал), шахсий шижоати ва ташқи табиий ва ижтимоий муҳит ҳамда мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнлари таъсири остида кечади”[1].

Фикримизча халқимизга хос ватанпарварликнинг таркибий қисмларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- оила аъзолари, кўни-қўшнилари, маҳалла-кўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш;
- ота-боболардан, аجدодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни кадрлаш;
- миллий кадриятларни эъозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш;
- халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши;
- умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунларни ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш;
- Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, харбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш ва бошқалар.

Шу каби туйғуларни ёшларимизда шакллантира олсак маънавий баркамол эртанги кунимизни, буюк келажагимизни барпо этадиган ёшларни тарбиялай оламиз.

Маънавий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторига ватанпарварликнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этадиган миллий ғурур

хамда ифтихор туйғулари ҳам киради. Миллий ғурур ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз хурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Хулоса шуки, фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг хар қаричига меҳру мухаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва юксак маъсулият юклайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Б.Зиёмуҳаммадов. Педагогика. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2006 й., 37-б.
2. Иброхимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., 1998.
3. Umaralievich, K. U. SPIRITUAL EDUCATION OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL UNIVERSITIES ON THE BASIS OF CULTURAL AND HUMANISTIC APPROACH.
4. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.
5. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.
6. Рафиқова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).
7. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.
8. Yuldashev, I. A. (2020). Pedagogical Bases Of Formation Of Social Activity In Pedagogical Sciences. *Теория и практика современной науки*, (5), 67-69.
9. Yuldashev, I., & Toshboltaeva, N. I. (2020). Analysis Of Personality Traits In Athlete Activities. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 72-74).
10. Юлдашев, И. А. (2020). СОТРУДНИЧЕСТВО МАХАЛЛИ И КЕНГАША СХОДА СЕЛЬСКИХ ГРАЖДАН, ШКОЛЫ, СЕМЬИ В ПРОЦЕССЕ ФОРМИРОВАНИЯ У ПОДРОСТКОВ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ. *Редакційна колегія: АА Сбруева–доктор педагогічних наук, професор (відповідальний редактор)*, 139.
11. Axatov, S. A., & Akhmatkulov, U. M. (2021). Basics of pre-conscription military training subject. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(8), 441-447.
12. Saidov, I. M., Axmatkulov, U. M., & Abdullayev, B. T. (2020). ОММАВИЙ ВА ИНТЕРНЕТ АХБОРОТ RESURSLARINING YOSHLARDA VATANGA SODIQLIK

TUYG'ULARINI SHAKLLANTIRISHDAGI BOG'LIQLIKLAR. *Academic research in educational sciences*, (4), 199-203.

13. Собиров, О. Ф., & Ахмадкулов, У. М. (2019). СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ. *Мировая наука*, (11), 306-308.

14. Damirovich, M. R., Kholikulovna, M. E., & Ibragimovna, A. S. (2022). THE USE OF INNOVATIVE TECHNIQUES IN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE. *Ijodkor o 'qituvchi*, 2(19), 483-488.

15. Damirovich, M. R., & Ibragimovich, T. I. (2022). SATTAROVICH AU THE ROLE OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL EVENTS IN PROMOTING THE IDEAS OF RELIGIOUS TOLERANCE AND INTERNATIONAL HEALTH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10, 1.

16. Дехканбаева, М. Н., Накибов, К., & Мустаев, Р. (2019). ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ОПУСТЫНИВАНИЯ. *Экономика и социум*, (11), 939-942

17. Мустаев, Р. Д., & Абдуллаев, С. А. (2020). АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИИЛАР ДАВРИДА АХЛОКИЙ-ЭСТЕТИК ГОЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАИИШИ. *Интернаука*, (24-3), 23-24.